

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ- УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

Джуманиязов Умрбек Ильхамович,
ТДИУ катта илмий ходим изланувчиси
E-mail: umrbek.mfga@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарий-услубий масалалари қараб чиқилади. Бундан ташқари, чет мамлакатларда ДХШни тури ва шакллари, ривожланишнинг ҳуқуқий асослари ва илгор тажрибаларни Ўзбекистонда қўллаш бўйича илмий тавсия ҳамда таклифлар келтирилган.

Аннотация: В данной статье рассматриваются некоторые теоретико-методологические вопросы развития государственно-частного партнерства (ГЧП) на основе корпоративного управления. Кроме того, приведены виды и формы, правовые основы развития ГЧП и научные рекомендации и предложения по применению передового опыта зарубежных стран в Узбекистане.

Abstract: This article examines some theoretical and methodological issues of the development of public-private partnership (PPP) based on corporate governance. Besides, types and forms, legal bases of PPP development and scientific recommendations and proposals on application of best practices of foreign countries in Uzbekistan are given.

Калим сўзлар: Давлат, бизнес, давлат-хусусий шерикчилиги, корпоратив бошқарув, шерикчилик шартномаси, шерикчилик соҳалари.

Кириш

Маълумки, ҳозирги кунда давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) ривожланган мамлакатларда муваффақиятли қўлланилаётган ва ишбилармонлик муҳитини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)ни янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятли истиқболда Ўзбекистон Республикасида қўллаш учун зарур таъсирчан механизм ҳисобланади.

Давлат ва бизнеснинг ўзаро таъсири замонавий бозор иқтисодиёти ривожланишида муҳим асос саналади, чунки ДХШ салоҳиятини муваффақиятли амалга ошириш инқироздан кейинги мураккаб шароитда давлатнинг бизнес билан ўзаро муносабатларга тайёрлигига боғлиқ.

Сўнгги 15-20 йил давомида тўпланган халқаро ва маҳаллий тажриба далолат берадики, ДХШ иқтисодий ривожланиш учун фойдаланилмаган захираларни сафарбар қилиш ва ресурс базасини кенгайтириш, давлат ва жамоатчилик мулкани бошқариш самарадорлигини ошириш, давлат секторига қўшимча ресурсларни жалб этиш, бюджет тақчиллиги каби муаммолар кескинлигини камайтириш, давлат бошқаруви салоҳияти ва хўжалик юритишдаги хусусий тамойиллар, инвестициялар, менежмент, инновацияларни

бирлаштириш имконини берувчи асосий механизмларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, бутун дунёда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар капиталталаб ва кўпинча норентабел ҳисобланади, бюджетлар эса уларни мустақил қўллаб-қувватлашни таъминлай олмаслиги сабабли давлатнинг молиявий мажбуриятлари тобора ортиб боради. Бундай вазиятда ДХШ орқали корпоратив ва хусусий бизнеснинг маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда инвестор киритган маблағлар давлат бюджетига солиқ тушумлари ҳисобига, шунингдек, истеъмол хизматларидан ҳақ ундириш йўли билан маълум қисмларга бўлиб қайтарилади. Мазкур вазиятда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда давлат капитали ва хусусий капиталнинг ўзаро муносабатлари бўйича ривожланган чет давлатларнинг тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда ўзимизга хос ва мос хусусиятларни маҳаллий иқтисодий ўзига хосликларга мослаштирган ҳолда самарали тизимларни ишлаб чиқиш зарурати юзага келади.

Шунингдек, Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4.бандининг охириги хатбошида устувор вазифалардан бири сифатида *давлат-хусусий шериклигини кенгайтириш* деб алоҳида келтириб ўтилган [1].

Айнан ДХШ бўйича қонун ишлаб чиқиш жараёнида бўлиб, бевосита меъёрий-ҳуқуқий асослари шакллантирилаётган мазкур ҳамкорликни турли шаклларда ривожлантириш учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, минтақаларда ДХШнинг турли-туман шакллари рағбатлантириш, мамлакат ва минтақаларни стратегик ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган дастурларга мувофиқ ДХШни қўллаш соҳасини кенгайтириш, ДХШ лойиҳалари бозорини ривожлантиришни таъминлаш, маҳаллий ва хорижий хусусий инвесторларнинг таклифларини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг “ўсиш нуктаси”ни қўллаб-қувватлаш, лойиҳаларни амалга оширишга ўзга субъектларнинг фойдаланилмаётган ресурсларини жалб этиш орқали ДХШ фаолиятини янада ривожлантириш имконини беради.

Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда ДХШ асосида корпоратив тузилмаларни янада ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш, ДХШ асосида корпоратив тузилмаларни янада ривожлантириш бўйича турли механизмларни амалиётга жорий қилиш масалалари илмий асосларини ишлаб чиқиш иқтисодиёт илми олдида турган республикамизнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтишидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш мумкин бўлган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Илмий адабиётларда хорижий ва маҳаллий олимларнинг ДХШни ташкил этиш масалаларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлари келтирилган. Хусусан, ДХШнинг илмий-назарий хусусиятлари МДҲ олимларидан К.А. Антонова, А.А. Алпатов, О.С. Белокрылова, И.Е. Болехов, Б.Г. Варнавский, Е.А. Дынин, Л.И. Ефимова, В.А. Михеев сингари олимларнинг асарлари, Жаҳон банкининг маърузаларида кўриб чиқилган [2,3,4].

Иқтисодчи олим К.А. Антонова “Давлат-хусусий шерикчилиги Россия ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг омили сифатида” номли асарида

ДХШни – давлат ва бизнес ўртасида давлат бошқаруви идоралари ва хусусий тузилмалар орасида шартнома асосида амалга оширилувчи институционал ташкилий иттифоқ деб атайти [2].

И.Е. Болехов эса “Ҳамкорликдаги ҳаракатлар майдони. Давлат-хусусий шерикчилиги инновацион иқтисодиёт белгиси сифатида” асарида “ДХШ - давлат идоралари ва хусусий бизнес ўзаро иттифоқи ҳисобланиб, унинг мақсади – иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан то мамлакат миқёсида ёхуд унинг айрим ҳудудларида хизматлар кўрсатишга қадар ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни яратиш ва ривожлантиришдан иборат”, деб қайд этади [4].

Шунингдек, В.Г. Варнавский, А.В. Клименко ва В.А. Королев ҳаммуаллифлигидаги “Давлат-хусусий ҳамкорлиги. Назария ва амалиёт” номли ўқув кўлланмасида “ДХШ - давлат ва жамоатчилик мулки объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоатчилик идоралари, муассаса ва корхоналари томонидан ижро этилувчи ва кўрсатилувчи хизматларга нисбатан давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро таъсирнинг юридик жихатдан мустаҳкамланган шаклини намоён этади” деб таъкидлашади [3].

Е.А. Дынин эса “ДХШ – ижтимоий неъматлар яратиш ёки ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун узок муддатли ва ўзаро фойдали асосда жамият (давлат ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш)нинг моддий ва номоддий ресурсларини бирлаштириш жараёнидир” деб уқтириб ўтади [4].

Давлат ва хусусий шерикчилиги турли халқаро молия ташкилотлари, хорижий ва миллий иқтисодчи олимлар, мутахассислар томонидан ҳар хил талқин этилади. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ, ингл. OECD - *Organisation for Economic Co-operation and Development*) ДХШни – ҳукумат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларни шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарақ бўлади ҳамда мазкур алоқанинг самарадорлиги хусусий шерикка рискларни қандай тақсимланганлигига боғлиқ [5].

М.Б.Жерард эса ДХШ – бу хусусий капитални ўзига жалб қилишни ва баъзан эса ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ёки давлат активларини бошқариш учун давлат капиталини ҳам жалб қилишни уйғунлаштиради деб таъкидлайди [6].

Халқаро Валюта жамғармаси томонидан берилган таърифда эса “ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарзда таъминланадиган инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир” деб таърифланади [7].

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада илмий мушоҳада, абстракт-мантикий фикрлаш, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

ДХШ асосида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича олиб борган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, бугунги кунда жаҳон амалиётида ДХШнинг аниқ бир таърифи бўйича ягона тўхтама келинмаган. Кенг маънода айтганда, ДХШ одатда давлат ва хусусий секторнинг ўрта ва узок муддатли келишуви (“arrangements”) бўлиб, унга кўра, ижтимоий секторга тегишли, давлат секторининг зиммасида бўлган айрим хизматлар айнан аниқ инфратузилмаси ёки хизматлари билан хусусий сектор томонидан таъминланади. ДХШга қоида бўйича давлат буюртмалари бўлган сервис шартномалари ёки қурилиш-пудрат шартномалари ҳамда ижтимоий секторнинг роли чекланган хусусийлаштириш жараёнлари киритилмайди [8].

Шунингдек, “ДХШ атамаси ҳамжамият доирасида ҳам аниқланмаган. Умумий қилиб айтганда, мазкур атама давлат ҳокимияти билан бизнес ўртасидаги молиялаштиришни таъминлаш, қурилиш, модернизациялаш, бошқариш ёки инфратузилмани сақлаб туриш ёки хизматларни тақдим қилиш бўйича ўзаро кооперацияга тегишли” деб қаралади [9].

Бундан ташқари, ЕИнинг минтақавий сиёсат бўйича комиссияси “ДХШни анъанавий тарзда давлат сектори томонидан амалга оширилиб келинган ва молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг хусусий секторга берилишидир” деб таърифлайди [10].

БМТ томонидан эса, “ДХШ – давлат сектори томонидан ишлаб чиқариладиган ва тақдим қилинадиган хизматларни молиялаштиришни, режалаштиришни, амалга ошириш ва объектларни ишлатишни мақсад қилиб кўяди ва унинг асосий хусусиятлари хизматларни узок муддатли тақдим қилинишини таъминлаш (баъзан 30 йилгача), рискларни хусусий инвесторга ўтказиш, давлат ва маҳаллий тузилмалар билан ҳуқуқий шахсларнинг кўп қиррали узок муддатли шартнома шакллари амалга оширилиши билан фарқланади” деб таъриф берилади [11].

Жаҳон банки институти таърифига кўра, “ДХШ-хусусий томон ва давлат органи ўртасидаги давлат активларини яратиш ёки хизматларини тақдим қилиш учун узок муддатли шартнома бўлиб, унда хусусий томон сезиларлича катта рисклар ва бошқарув учун жавобгарликни олади” [12].

Осиё тараққиёт банки томонидан берилган таърифга кўра, “ДХШ – атамаси инфратузилма ёки бошқа хизматлари кесимида ижтимоий ва хусусий ташкилотлар ўртасидаги мумкин бўлган барча муносабатлар диапазонини ифодалайди” [13].

Бундан ташқари, АҚШ Федерал транспорт бўлимининг ДХШ бўйича Конгрессга берган ҳисоботида “ДХШ – анъанавий иштирокига нисбатан хусусий шерикка давлат билан муносабатларда кўпроқ иштирок қилишига имкон берувчи шартномавий келишув бўлиб, мазкур келишув одатда ҳокимият органи билан хусусий компания ўртасида модернизациялаш, қурилиш, ишлатиш, муайян объектни, тизимни сақлаш ёки бошқаришни назарда тутати” деб келтирилади [14].

Ҳиндистон ҳукумати томонидан эса, “ДХШ – бу ҳукумат ёки ижтимоий сектор томонидан хусусий компаниялар билан фойдаланувчилардан тўловлар ундириш эвазига инфратузилма хизматлари билан таъминлашга қаратилган

шартномавий ёки концессион келишув лойиҳасидир” деб таърифланади [15].

Британия Колумбияси ва Канада ҳамкорлиги доирасида, “ДХШ – давлат ва бизнес томонлари ўртасидаги активларни яратиш ва хизматларни тақдим қилиш учун қонунга кўра мажбурий шартнома бўлиб, у томонлар ўртасида риск ва мажбуриятларни тақсимлашни ўрнатади” деб талқин қилинади [16].

Австралия ҳукумати эса, “ДХШ- давлат ва хусусий секторнинг давлат топшириғига кўра инфратузилма ва бошқа хизматларни тақдим этиш бўйича хусусий секторга пули тўлаб бериладиган топшириғи бўлиб, одатда у бутун хусусий цикл давомида инфратузилмани қурган хусусий секторга фаолият кўрсатиши, сақланиши каби вазифаларни юклайди” [17].

Ирландия ҳукумати эса, “ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарзда амалга ошириладиган хизматлар тақдим этиш ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш бўйича давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шерикликдир” деб таърифлайди [18].

Гонгконгда “ДХШ- ўзаро ҳар бир томон қорхонага тегишли ҳисса кўшиш орқали давлат хизматларини кўрсатишга хусусий томонни жалб қилишга қаратилган шартномавий битимдир” деб талқин этилади [19]

Янги Зеландияда “..объект ёки активни яратиш ёки мавжудларини реконструкция қилишни ва хизматлар кўрсатишни назарда тутувчи узоқ муддатли шартномалардир [20]” деб ДХШ таърифи қабул қилинган.

Францияда эса, “Шерикчилик шартномаси – маъмурий шартнома бўлиб, унга кўра давлат ёки давлат ташкилоти учинчи томонга фақат улуш кўшиш билан қатнашишдан мустасно бўлган, инвестициялар амортизация меъёрларида белгиланган, келишилган молиявий шартларда давлат хизматларини тақдим қилиш учун зарур бўлган қурилиш, қайта қуриш, сақлаш, фойдаланиш, моддий ва номоддий активларни бошқариш билан боғлиқ, тўлиқ ёки қисман молиялаштиришга асосланган мажбуриятларни юклайдиган шартномадир [21]” деб қабул қилинган.

Бразилияда ДХШ шартномалари давлат ёки давлат ташкилотлари ва хусусий ташкилотлар ўртасида давлат секторининг манфаатлари йўлида ўрнатилган тартибда қорхоналарни ташкил қилиш, бошқариш мажбурияти билан хусусий секторга молиялаштириш, инвестициялаш ҳамда бошқариш масъулиятини юклашни назарда тутувчи муносабатлардир [22]”.

Консалтинг компаниялари ва тижорат ташкилотларида эса ДХШ ўзига хос талқин этилади ва улардан айримларини келтириб ўтамыз. Жумладан:

“ДХШ - давлат ва хусусий ташкилот ўртасида давлат инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда хусусий томоннинг қатнашишига имкон берувчи шартномавий келишувдир [23]”.

“ДХШда хусусий сектор анъанавий тарзда давлат томонидан амалга ошириладиган ва солиқ тўловчилар ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳалаш, қуриш, молиялаш ва объектларни ишга тушириш ва хизматлар тақдим қилиш ишларини рўёбга чиқаради[24]”.

“Прайсватерхаус” компанияси “ДХШни - хусусий сектор томонидан лойиҳа ёки хизматни амалга оширувчи турли миқёсдаги ҳар хил тузилмаларни ўз ичига олади. ДХШнинг аъанавий давлат харидларидан асосий фарқи

шундаки, ДХШ доирасида хусусий томоннинг лойиҳани амалга оширишдан оладиган даромадлари хизматни тақдим этиш ёки объект фаолият кўрсатишининг ҳаётий цикли мобайнидаги сифатига боғлиқ” деб талқин этади [25].

Яна бир ташкилот, “ДХШ – давлат ва хусусий сектор ўртасида давлат хизматлари ёки инфратузилма билан таъминлаш мақсадида ўзининг бой таърибаси ва энг кучли томонларини сафарбар қилишга қаратилган келишувдир [26]” деб таъриф берса, Россиянинг машҳур Внешэкономбанки ДХШ маркази “ДХШ - бу ҳокимият органлари томонидан шартномавий асосда хусусий секторни ижтимоий секторга алоқадор вазифаларни харажатларни қоплаш, риск, мажбурият ва ваколатларни тақсимлаш шarti билан нисбатан самарали ва сифатли бажариш учун жалб қилишидир [27]” деб атайди.

Ижтимоий инвестициялар ва ДХШ ларни манзилли инфратузилмаси ва фискал рискларни тадқиқ этган ҳолда бир гуруҳ олимлар “ДХШ- хусусий сектор томонидан анъанавий давлат хизматларини ва инфратузилмавий активларини тақдим этиш бўйича келишув [28]” деб атаса, бошқа бир Германиялик мутахассис “ДХШни узоқ муддатли асосда давлат ва хусусий секторни зарур ресурсларни (ноу-хау, капитал, ходимлар) уйғунлаштириш асосида давлатнинг вазифаларини самарали ечиш бўйича ҳамкорлиги [29]” деб қарайди.

МДХлик олимлардан М.Дерябина “ДХШ- давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро институционал ва ташкилий иттифоқи бўлиб, унинг мақсади мамлакат ва унинг ҳудудлари миқёсида стратегия муҳим тармоқларни ривожлантиришдан то ижтимоий хизматларни тақдим этишгача бўлган вазифаларни адо қилишдир [30]” деб талқин этса, П.Бруссер ва С.Рожковалар “ДХШ- хусусий секторнинг қисқа муддатли эмас, балки кўшимча манбаларни жалб қилиши учун узоқ муддатли давлат билан хўжалик-ҳамкорлик механизмидир [31]” деб атайди.

В.В.Максимов ДХШнинг асосан транспорт соҳасидаги инвестициявий жиҳатларига [32] эътиборни қаратса, А.ВБелицкая “..жамоат манфаатлари ва назоратида бўлган ижтимоий муҳим вазифаларни ҳал қилиш учун давлат ва хусусий секторнинг муаян муддатга ҳуқуқий мустаҳкамланган шериклигидир [33]” деб атайди.

Бундан ташқари, илмий ва иқтисодий адабиётларда ДХШнинг давлатнинг ижтимоий объектларга нисбатан айрим бошқарув ваколатларини назарда тутувчи, анъанавий давлат хизматларини бажариш учун хусусий секторни жалб қилувчи, миллий ва халқаро, кенг миқёсли ва маҳаллий, аммо ҳар доим ўта муҳим ва давлат учун ижтимоий аҳамияти юқори лойиҳаларин амалга ошириш бўйича давлат ва бизнес иттифоқи, концессия ва операцион лизингга асосланган, транспорт, кўприк, тоннел, касалхона, мактаб ва бошқа ижтимоий инфратузилмалар учун тузиладиган ҳамкорлик, у ёки бу корxonани ташкил қилишдаги риск ва нафларни тақсимлаш бўйича ўзаро муносабатлар, давлат ташкилот ва хусусий компания ўртасида риск ва даромад, масъулият ва мажбуриятларни тақсимлаш бўйича келишув, давлат манфаатлари йўлида стратегик натижаларга эришиш учун амалга ошириладиган ўрта ва узоқ муддатли давлат-хусусий сектор муносабатлари, ДХШ предмети давлат ва

муниципал мулкдан, ҳамда ҳокимият органлари, бюджет сектори томонидан кўрсатиладиган хизматлардан ташкил топувчи давлатнинг хусусий сектор билан кенг иқтисодий фаолият турлари бўйича муносабатлари, хусусийлаштириш мумкин бўлмаган – кўприк, автомобиль магистраль йўллари, труба қувурлари, аэродром, портлари каби стратегик объектларини давлат мулкида қолдириб, хусусий секторга узоқ муддатли ижарага бериш билан боғлиқ муносабатлар, минтақа учун умумиқтисодий манфаатларга эришиш ва долзарб вазифаларни ечишга қаратилган муҳим муносабатлар, давлатнинг бизнесга ҳукм ўтказиб, иқтисодиётга чуқур аралашувини эмас, балки у билан ҳамкорликда, лойиҳалар бўйича маслаҳатда ишлашини кўзда тутувчи, давлатнинг иқтисодий сиёсатининг умумий мақсадларига эришиш бўйича муносабатлар каби минглаган талқинларини учратишимиз мумкин.

Жаҳон банкининг таърифига кўра эса, “Давлат-хусусий шерикчилиги ишлаб чиқариш ва инфратузилма хизматлари кўрсатиш борасида жамоат ва хусусий томонлар ўртасидаги келишув бўлиб, кўшимча инвестицияларни жалб этиш ва бюджетли молиялаштириш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида тузилади [34]” .

ДХШни ривожлантириш амалиёти бир қатор халқаро ва миллий ташкилотлар томонидан, жумладан, Жаҳон банки, БМТ, ИРХТ, ЕИ доирасида мувофиқлаштирилиб тартибга солиб турилади [34].

Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ агентлигининг дастурларини (USAID) амалга ошириш доирасида ҳам 2001 йилда Ривожланиш бўйича Глобал Альянс ташкил этилди (англ. The Global Development Alliance, GDA). GDA модели ривожланаётган мамлакатларга ДХШ механизми орқали ёрдам беришнинг самарали усули сифатида қўлланилди [35] .

GDA моделининг моҳияти АҚШ ҳукумати тажрибалари ва техник билимларини қўллаган ҳолда давлат ва хусусий корпорациялар, жамғармаларнинг молиявий маблағларини жалб қилишдан иборат эди. GDA моделининг мақсади – ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсишни, тадбиркорликни ривожлантиришни, соғлиқни сақлашни, экологик муаммоларни ҳал қилишни, аҳолининг таълим ва технологияларга эгалик қилишни рағбатлантиришдан иборат. 2013 йилда GDA модели доирасида USAID хусусий сектор билан 200 дан ортиқ шерикчилик битимларини имзолади. Хусусан, ўтган қарийб 12 йил давомида GDA модели ёрдамида АҚШда 3,5 мингдан ортиқ турли шерикчилик ташкилотлари томонидан 1,5 мингдан ДХШ келишувлари имзоланди ва уларнинг умумий қиймати 20 млрд. АҚШ долларида кўпроқ давлат ва хусусий жамғармаларига тенг бўлди. Ушбу портфель USAID нинг ҳар бир АҚШ долларига шерикчилик бадаллари орқали кўшимча 3 АҚШ доллари маблағлар жалб қилишга имкон берди [35].

ДХШ муносабатлари турли давлатларда ҳар хил шаклларда амалга оширилади. Хусусан, ДХШ АҚШда транспорт қатновларини такомиллаштириш, инфратузилмани модернизациялаш, маиший-техник чиқиндиларни утилизациялаш, сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида «Buy American» тамойили асосида [35], БРИКС мамлакатларида ДХШ концессия битимлари сифатида, хусусан, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, коммунал-

маиший инфратузилма, хомашё конларини ўзлаштириш соҳасида [36], Хитой халқ республикаси (ХХР)да ДХШнинг бошланғич босқичлари 1980-1990 йилларда бошланган бўлиб, асосан лойиҳаларни бошқариш механизмларини шакллантиришда давлат иштирокининг юқори даражаси билан ажралиб туради [37].

Шунингдек, ХХРда оммавий равишда BOT (Build–Operate–Transfer,–ингл. «қурилиш-фойдаланиш-топшириш») лойиҳаларининг амалга оширилиши хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишининг фаоллашувига, инфратузилмани ривожлантиришни яхшилашга ва ҳукуматнинг молиявий юқини енгиллашувига олиб келди. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида ДХШни ҳам BOT лойиҳаларининг ҳам ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бошланди [37].

Жанубий Африка республикаси (ЖАР)да бизнес-лойиҳаларни баҳолашда асосий мезонлар сифатида ДХШнинг таклиф этган мақсадларига лойиҳанинг мослиги ва уларни юқори иқтисодий самара билан амалга оширилиши ҳамда хатарларнинг хусусий томон билан тақсимланиши олинади. Шунингдек, ҳамкорлик асосан ДХШни тартибга солувчи махсус орган томонидан мувофиқлаштирилиб турилгани ҳолда хусусий сектор асосан давлат органлари билан сув таъминоти, электрлаштириш ва канализация масалалари бўйича ҳамкорлик қилади [38].

Бразилияда концессиялар тўғрисидаги қонун мавжуд бўлиб, унга кўра хусусий компаниялар давлатнинг рухсати билан инфратузилмавий активларни қуриши ва бошқариши мумкин. Агар лойиҳа етарлича самарали бўлмаса, давлат сектори хусусий компанияга унитар тўловни таклиф қилиши мумкин. Бундай ҳолат инфратузилмани ривожлантириш учун давлат секторида бошқа муқобиль вариант бўлмаган ҳолатларда амалга оширилади [39].

Ҳиндистонда ДХШ ёрдамида 2012 йилда ҳукумат катта ҳажмдаги дон маҳсулотларни сақлашда қувватлар етишмаслиги каби кескин муаммони концессия келишуви орқали ечиш механизмини синаб кўрдилар. Ҳиндистон дунёда юқори даромадли тиббий туризм бозори билан ҳам ажралиб туради ва шунинг учун ҳам Ҳиндистон туризм вазирлиги ДХШ салоҳиятидан давлат учун анъанавий бўлган соғломлаштириш тизимлари учун фойдаланишга интилади (масалан, Аюрведа, Сиддха, йога). Шунинг учун ҳам, Ҳиндистон ҳукумати томонидан ДХШнинг тиббиётнинг давлат секторини хусусий сектор томонидан қўллаб-қувватлаш орқали соғлиқни сақлаш инфратузилмасини такомиллаштириш асосида юқори сифатли тиббий хизматлар тақдим этишга бўйича янги моделни қабул қилган [40].

Европа мамлакатларида ДХШни қўллаш тажрибаси асосан лойиҳаларни молиялаштириш механизмларидан фойдаланиш ва ривожлантириш билан боғлиқ. Бу борада Европа инвестиция банки (ЕИБ) муҳим роль ўйнайди ва кўпинча ДХШ лойиҳаларини молиялаштиришда етакчи кредит ташкилоти сифатида майдонга чиқади. ЕИБ томонидан инқирозгача темир йўл транспорти соҳасида бир қатор лойиҳалар амалга оширилган эди. Хусусан, Oresund тармоғи (Дания, Швеция), HSL Zuid юқори тезликли магистрали (Нидерландия), Tunnel Rail Link темир йўл туннели (Буюк Британия) [41].

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, фикримизча “**Давлат-хусусий шерикчилиги** – амалдаги қонунлар доирасида давлатнинг узок муддатли стратегик вазифалари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, юзага келиши мумкин бўлган турли хил иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа таваккалчиликлар, хавф-хатарлар, рискларни тақсимлаш асосида хусусий сектор билан аҳоли учун ўта ижтимоий-иқтисодий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик объектларни қуриш ёки шу аснодаги ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширадиган том маънодаги ўзаро манфаатли алоқаларидир.

Умуман, ДХШ ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик сифатида кўриб чиқилади, лекин бундай ҳамкорлик турли-туман шаклларда амалга оширилади. Жорий даврда Ўзбекистондаги ДХШнинг замонавий ва истиқболли воситалари қаторига инвестиция фондлари, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, давлат улуши бўлган акционерлик жамиятлари, тижорат банклари ва бошқа давлат корпорациялари ҳамда компанияларини киритиш мумкин.

Мамлакатда ДХШнинг муҳим воситаларидан бири – маҳаллий инвестиция сиёсатини бошқаришга, ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун масъул ваколатли давлат органи - Ўзбекистон Республикасининг инвестициялар бўйича давлат кўмитаси [42] иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга ва узок муддатли амалга ошириш муддатлари билан фарқланувчи лойиҳаларни амалга оширишда хусусий бизнесга ҳар томонлама имкониятлар яратади.

Сўнги йилларда ДХШ ривожланаётган давлатларда янги тушунча бўлмасдан, бирламчи иқтисодий тушунчага айланди. Чунки, бу тушунча давлат идораларининг ташкилий тузилмаси ва бозор инфратузилмасига мустаҳкам кириб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ДХШ асосида ривожланаётган корпоратив бошқарув тузилмаларининг сони (йирик корпорациялар, компаниялар ва акционерлик жамиятлари) тобора ортиб, бу борадаги қонунчилик ҳам босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда “Давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши миллий иқтисодиётда давлат ва нодавлат корпоратив тузилмалари фаолиятида ДХШни самарали қўллаган ҳолда мазкур муносабатларга нафақат йирик бизнес, балки кичик бизнес субъектларини ҳам фаол жалб қилишга ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди. Шунингдек, ДХШ асосида корпоратив бошқарувни ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг йирик корпоратив корхоналари билан эркин рақобат қилишларига замин тайёрлайди ҳамда давлат бюджетига тушумларни кўпайтиради ва босимни камайтиради, корпоратив тузилмаларнинг ижтимоий фаоллигини оширади, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг шиддат билан ривожланиши учун зарур бўлган миқёсда техника-технологияларни, ишчи кучи ва инвестиция маблағларини

жалб этиш учун зарурий шарт-шароитлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони\ lex.uz.
2. Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации: учебное пособие / Кабашкин В. А. — М.: Дело, 2010. С.120.
3. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие / Варнавский В. Г., Клименко А. В., Королев В. А. — М.: ГУ-ВШЭ, 2010.
4. Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. — 2007. — № 5–6. С.111.
5. Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010.
6. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations?//Finance & Development. 2001. Vol.38.
7. Public-Private Partnerships. International Monetary Fund, 2004.
8. <http://ppp.worldbank.org/public-privatepartnership/overview/whatare-public-private-partnerships>
9. Green Paper on Public-Private Partnerships and Community Law on Public Contracts and Concessions. Brussels. 30.04.2004. P.3.
10. http://ec.europa.eu/regional_policy/sources/docgener/guides/ppp_en.pdf
11. Практическое руководство по вопросам эффективного управления в сфере ГЧП/ Организация Объединенных Наций. - Нью-Йорк и Женева, 2008. ISBN: 978-92-1-4160403
12. World Bank Institute / PPIAF, Public-Private Partnerships Reference Guide, Washington DC, 2012
13. Public-Private Partnerships Handbook. Asian Development Bank. 2006.
14. Report to Congress on Public Private Partnerships. U.S. Department of Transportation, Federal Highway Administration, December 2004. p. 10.
15. Guidelines for Financial Support to Public Private Partnerships (PPPs) in Infrastructure, Government of India, 2006.
16. An Introduction to Public Private Partnerships, Partnerships British Columbia, Canada, 2003. <http://www.partnershipsbc.ca/pdf/An%20Introduction%20to%20P3%20-June03.pdf>
17. National Public Private Partnership Guidelines Overview, Australian Government, Dec. 2008. http://infrastructureaustralia.gov.au/public_private/files/National_PPP_Guidelines_Overview_Dec_08.pdf
18. Introduction to Public Private Partnerships - Public Private Partnership Guidance Note 1, 14 April 2000, Department of the Environment and Local Government, Ireland.
19. Efficiency Unit, An Introductory Guide to Public Private Partnerships

(PPPs) (Hong Kong, 2nd edition 2008)

20. Treasury National Infrastructure Unit, Guidance for Public Private Partnerships (PPPs) in New Zealand (Wellington, 2009)

21. France PPP Law 2008 Order No. 2004-559 of 17 June 2004 on partnership contracts, Version consolidated on 30 July 2008 http://www.economie.gouv.fr/files/directions_services/ppp/ordonnance2004-559_ang.pdf

22. Brazil PPP Law <http://ppp.worldbank.org/public-privatepartnership/sites/ppp.worldbank.org/files/documents/brazilppplaw.pdf>

23. Closing the Infrastructure Gap: The Role of Public-Private Partnerships. A Deloitte Research Study. 2006.

24. Public private partnerships KPMG <http://www.kpmg.com/global/en/industry/governmentpublic-sector/pages/publicprivate-partnerships.aspx>

25. Delivering the PPP promise: A review of PPP issues and activity – PricewaterhouseCoopers LLP.

26. Accelerating public private partnerships in India - Ernst & Young.

27. Центр государственно частного партнерства Внешэкономбанка. http://www.pppinrussia.ru/user_files/upload_files/VEB_GCHP_digital.pdf

28. Public Investment and PublicPrivate Partnerships Addressing Infrastructure Challenges and Managing Fiscal Risks// Ed. by G.Schwartz, A.Corbacho, K.Funke, Palgrave Macmillan, 2008.

29. Hans Wilhelm Alfen (ed.), Public-Private Partnership in Infrastructure Development -Case Studies from Asia and Europe// Bauhaus-Universität Weimar, 2009.

30. Дерябина М. Государственно-частное партнерство: теория и практика / М. Дерябина // Вопросы экономики. - 2008. - N8. С. 61-77

31. Государственно-частное партнёрство – новый механизм привлечения инвестиций. /П.Бруссер, С.Рожкова. //Рынок ценных бумаг, №2 (329), 2007.

32. Максимов В.В. Государственно-частное партнерство в транспортной инфраструктуре: критерии оценки концессионных конкурсов / В.В. Максимов. — М.: Альпина Паблишерз, 2010. — 178 с.

33. Белицкая, А.В., Государственно-частное партнерство как вид инвестиционной деятельности: правовые аспекты/ А.В.Белицкая// «Предпринимательское право», 2011, №1.

34. Всемирный банк, секция ГЧП. URL:<http://www.worldbank.org/en/topic/publicprivatepartnerships>; Программа развития Организации Объединенных Наций (ПРООН). URL: <http://www.un.org/ru/ga/undp/>; Материалы рабочей группы организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) по ГЧП «Network of Senior Public-Private Partnership Officials». URL: <http://www.oecd.org/gov/budgeting/ppp.htm>; Исследования ГЧП Европейского Союза (ЕС) «Research in Public Private Partnerships». URL: http://ec.europa.eu/research/industrial_technologies/research-ppp_en.html.

35. Принцип «Buy American» подразумевает реализацию ГЧП лишь подрядчиками США. Источник: Тюрин С. ГЧП в Америке// ТПП-Информ, 25

апреля 2013 г. URL: <http://www.tpp-inform.ru/global/3404.html>

36. Балиев А. Выгода делится на пять. //«Российская Бизнес-газета» - Государст-венно-частное партнерство № 958 (29) от 29 июля 2014 г. URL: <http://www.rg.ru/2014/07/29/opit.html>

37. Садыхов А.П. Информационно-аналитическая справка об опыте ГЧП в Китайской Народной Республике. 2010. URL: http://www.pppinrussia.ru/main/publications/foreign/inostrannie_modeli_gchp/country/kitai

38. Садыхов А.П. Информационно-аналитическая справка об опыте ГЧП в Южно-Африканской Республике // Материалы Информационного ресурса «Государственно-частное партнерство в России», 2011. URL: http://www.pppinrussia.ru/userfiles/upload/files/PPP%20in%20foring%20country/PPP_RSA.pdf

39. Садыхов А.П. Информационно-аналитическая справка об опыте ГЧП в Бразилии // материалы Информационного ресурса «Государственно-частное партнерство в России», 2010 URL: <http://www.pppinrussia.ru/main/publications/foreign>

40. Индия испытывает бум в отношении медицинского туризма// новости Информационного ресурса «Государственно-частное партнерство в России» 8 июля 2011 г. URL: <http://www.pppinrussia.ru/main/novosti/news/closeup/1667>

41. Emerging Trends In Infrastructure. URL: <https://www.spratings.com/corporates/projectfinance/Emerging-Trends-in-Infrastructure.html>

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 мартдаги ПФ-4996-сонли “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони\\ lex.uz